




**ПОЛИМЕР АСОСИДАГИ
ПЛИТКАЛАР ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА АМАЛИЙ
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**



Иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош
саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай
лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш
орқали эришилади.

Ш. Мирзиёев
Ўзбекистон Республикаси Президенти





Лойиҳа ташкилотчиси:

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

Тузувчи:

“ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази.

Тақризчилар:

М.Х.Юсупов - «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси бўлим бошлиғи, и.ф.н.

З.О.Тоҳирова - “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази етакчи мутахассиси.

Ушбу қўлланма

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тухфаси ҳисобланади.

Ушбу қўлланма «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, ҳамда «ЎзқурилишматериалЛИТИ» МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази томонидан полимер плитка ишлаб чиқаришни ташкил этиш ниятидаги тадбиркорлар учун амалий-услубий қўлланма мақсадида яратилди.

Амалий-услубий қўлланмадан фойдаланиб полимер плитка ишлаб чиқариш ҳақида умумий маълумот олиш, керакли хом ашё турлари, мав-


жуд заҳиралар, ишлаб чиқариш технологиялари, сифат, меъёрий хужжатлар, ўлчов воситалари, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари, экологик меъёрлар ва атроф муҳитга таъсири, техника хавфсизлиги, саноат санитария қоидалари, тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш ҳамда тижорат банкларидан кредит олиш тартиблари келтирилган.

Ушбу қўлланмадан фойдаланиб ўз бизнесингизни бошланг!

Сизга ёрдам берганимиздан миннатдормиз!

© “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ – 2021

© “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ – 2021



МУНДАРИЖА

Кириш	6
I. Полимер плиткалар ҳақида умумий маълумот	12
1.1 Республикада полимер плиткаларни ишлаб чиқариш истиқболлари ва жаҳон тажрибаси	14
1.2 Полимер плиткалар ва уларнинг турлари, ўлчамлари, физик-механик кўрсаткичлари	18
1.3 Муқобил қурилиш материалларидан афзалликлари	22

1.4 Ишлаб чиқариш ҳолати рақамларда

24

II. Хом ашё турлари ва мавжуд заҳиралар

26

2.1 Полимер плиткалар ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хом ашё турлари

28

2.2 Республика ҳудудларида мавжуд хом ашё заҳиралари

32

III. Ишлаб чиқариш технологиялари

34

IV. Сифат, меъерий ҳужжатлар ва ўлчов воситалари

40

4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари

42

4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш

46

4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги

48

V. Самарадорлик кўрсаткичлари

50

VI. Экологик меъёрлар ва атроф муҳитга таъсири

54

6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар

56

6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш

60

VII. Меҳнатни муҳофаза қилиш

62

7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари

64

VIII. Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми

70



IX. Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш тартиби

72

Фойдаланилган адабиётлар

74

КИРИШ





вий меъморларнинг турли хил лойиҳаларида ўз ўрнини топди. Бугунги кунда кундалик маҳсулотларнинг аксарият қисми полимер материаллардан тайёрланади. Уларнинг қўлланилиши жуда хилма-хил, жумладан озиқ-овқат маҳсулотларини, турли хил қадоқларни, бетон учун қолипларни ва шу каби бошқа материалларни сақлаш учун идишлар ва бошқалар. Полимер буюмлари ишлаб чиқариладиган ускуна ва жиҳозлар-

нинг самарадорлиги, сифати ва қувватига қараб танланади. Полимер бу бир томондан, кўплаб маиший ва техник буюмларни ишлаб чиқариш учун ҳам ишлатиладиган замонавий материал ҳисобланади.

Бошқа томондан, бу кенг кўламда фойдаланиш учун олдиндан аниқланган хусусиятларга эга бўлган махсус синтезланган синтетик модда дейиш ҳам мумкин.


Ушбу таърифларнинг ҳар

бири тўғри, фақат маиший нуқтаи назардан биринчиси, кимёвий нуқтаи назардан иккинчиси дир. Полимер материалларини ишлатилишини нафақат қурилиш материаллари балки бошқа соҳаларда ҳам кузатишимиз мумкин. Бугунги кунда саноат, ишлаб чиқариш, маъмурий ва аҳоли турар-жой биноларини қуришда жуда кўплаб миқдорда полимер қопламали қурилиш материаллари ишлатилмоқда. Полимер қоп-


ламали қурилиш материаллари ҳақида тўхталадиган бўлсак, полимер қопламали қурилиш материаллари бежирим, чиройли, турли хил кўринишга ҳамда ҳароратнинг кучли иссиқ ва совуқ шароитларида хонада мўътадил ҳароратни сақлаш учун хизмат қилиши мумкин. Бундан ташқари айнан полимер асосли қурилиш материалларидан фойдаланиш мамлакат иқтисоди учун ҳам катта аҳамиятга эга.



I. ПОЛИМЕР ПЛИТКАЛАР
ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ



1.1 Республикада полимер плиткаларни ишлаб чиқариш истиқболлари ва жаҳон тажрибаси



Полимер плиткалар ҳақида сўз борар экан авваломбор биз полимерлар билан қисқача танишиб олишимиз керак бўлади.

Полимер плиткалар - бу биноларни безашга, шунингдек, ижтимоий, иқтисодий, саноат, турар, нотурар ва савдо объектилари ҳудудларида ўзига хослиги билан меъморий, замонавий, ташқи ва ички кўриниш яратишга имкон берадиган янги қурилиш материаллардан биридир. Дастлаб полимер 1828 – йилда

германиялик кимёгарлар томонидан органик моддаларни синтетик усули орқали, 1830 – йилда швед кимёгари Берзелий томонидан кашф этилган. Полимер ишлаб чиқариш энг тез ривожланаётган тармоқлардан бири ҳисобланади. 2020 йилда жаҳон бўйича полимерлар ишлаб чиқариш деярли 400 млн тоннани ташкил этди. Ривожланган мамлакатларда уларнинг жон бошига фойдаланиш 85-90 кг/кишини ташкил эт-



ган, бу кўрсаткич йилдан йилга ошиши давом этмоқда. Бундай қизиқиш полимер ишлаб чиқарувчилар томонидан, биринчи навбатда, улар асосида турли хилдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш билан боғлиқ.

Полимер материаллар (пластмассалар, композициялар) мономерлардан, олигомерлардан, полимерлардан ишлаб чиқариш пайтида ёки буюмни шакллантириш пайтида турли хил таркибий қисмлар (ингредиентлар) киритилиши билан олинган маълум бир композицияга эга материаллардир. Бугунги кунда республикада полимер материалларидан турли соҳада фойдаланишини кузатишимиз мумкин. Республикада жаҳон тажрибаларига асосланган ҳолда полимер плиткалари ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳозирги вақтда турли усулларда олинадиган полимер-

лардан конструкцион материаллар, кимёвий толалар, лок-бўёқлар, енгил, чиройли ва мустаҳкам қурилиш асбоблари, кимёвий жиҳозлар, қувурлар, сантехника товарлари, турли қопламалар ва бошқа қурилиш материаллар тайёрланмоқда. Композит ёғоч-полимер плиталар асосан қурилишда ишлатилади (декоратив), инглиз терминологиясида ёғочдан ясалган тахта, ҳар хил турдаги ёғоч ундан ва турли хил термопластик полимерлар аралашмасидан тайёрланган маҳсулотдир. Полимер плиткалар табиий тахтага ўхшайди, хизмат муддати 30-40 йил ва ундан кўпроқ вақтга ҳам хизмат қилиши мумкин. Жаҳон тажрибасига назар ташласак етакчи мамлакатларда ёғоч полимер композицияси ишлаб чиқарилиши кенг йўлга қўйилган. Айниқса қурилиш маҳсулотлари ва мебел ишлаб чиқаришда фойдаланилмоқда. Ушбу материаллардан бири бу



ёғоч полимер композициясидир.

Одатда асосий композиция ишлаб чиқаришда иккиламчи маҳсулот ва саноат чиқиндиларидан фойдаланилади. Композицион маҳсулотни нархи табиий аналогларга кўра 50-60%га арзонроқ бўлади. Дунё бўйича полимер маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиб

бориши билан бирга, ўз-ўзидан полипропилен (пропиленнинг занжирли ўсиши натижасида олинадиган полимер) ҳамда полиэтилен ишлаб чиқариш ва унга эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда. Ҳозирги кунга келиб, полипропилен дунё бўйича ишлаб чиқариладиган полимерлар орасида, полиэтилендан сўнг иккинчи ўринда туради.

1.2 Полимер плиткалар ва уларнинг турлари, ўлчамлари, физик-механик кўрсаткичлари



Полимер плиткаларнинг бир қанча турлари мавжуд:

Полимерли деворбоп плиткалар. Полимер материаллардан ясалган девор пардозбоп плиткаларни ишлатиш бир қатор афзалликларга эга бўлиб, улар ҳаммом ёки ошхона деворини таъмирлаш учун энг қулай материал ҳосибланади.

Полимер деворбоп плиткаларни ўрнатиш жараёни жуда оддий, чунки плиткалар энгил

ва осонликча кесилади ҳамда ўрнатилади. Плиткаларни деворга маҳкамлаш жараёнида деворни текислаш шарт эмас, шу сабабли полимер плиткаларни ўрнатиш кўп вақт ва ортиқча куч талаб қилмайди, бу эса иш жараёнини тезлаштиришга ҳамда меҳнат харажатларини тежалишига олиб келади.

Девор панеллари ва плиткаларни пластмасса ёки поливинилхлорид ПВХ (дунёда энг кўп



ишлаб чиқариладиган полимерлардан бири)дан тайёрланади. Декоратив маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар томонидан қуйидаги форматларда ишлаб чиқарилиши мумкин:

1. Плитка типдаги панеллар – ўлчамлари 300x300 мм ва ундан юқори (тўртбурчаклар, мозаика ёки бошқа шакллар) бўлиши мумкин.

2. Полимер плиткалар ҳароратнинг ўзгаришига 30 °C дан 80 °C гача бўлган иссиқликка бардош бера олади. Компонентларнинг синтетик базаси гигиена стандартлари талабларига тўлиқ жавоб беради.

Ультрабинафша нурланишида ва иссиқлик таъсир этганда ҳам ўзидан токсик моддалар чиқармайди.

Бундан ташқари йўлақлар учун полимер плиткалари юқори техник хусусиятлари ва турли хил ранглари билан ажралиб туради. Йўлақлар учун полимер плиткаларни ўрнатишга катта куч ва молиявий ресурслар

сарф этилмайди. Ушбу материал оғир юкларнинг таъсири натижасида ҳам бузилмайди ва парчаланмайди. Унинг устидан нафақат енгил автомобиллар, балки юк машиналари ҳам бемалол ҳаракатланиши мумкин.

Йўлак учун полимер плиткалар таркиби қуйидагича:

Кум, асосий модда сифатида ишлатилади, хом ашёнинг жами 4 дан 3 қисмини ташкил қилади.

Зичлиги: 1600-1800 кг / м³;

Плитка ўлчамлари – 330x330 мм, 330x165 мм, 500x250 мм;

Плитка қалинлиги - 17, 25, 33 мм,

Битта плитканинг вазни - мос равишда 2,6; 3,4; 4,4 кг;

Ўлчамлари 330x330 мм бўлган 1 м² майдонга 9 дона плиталар сарфланади.

Совуққа чидамлилиги – 300 циклдан ортиқ.

Полимер панеллар бионинг эстетик кўринишини яхшилаш ва уни кўп йиллар давомида ташқи таъсирдан ҳимоя



қилиш имконини беради.

Полимер панелларнинг кўрсаткичлари:

1. Хизмат қилиш муддати 40 йил

2. Панеллар - 50 °C даража совуққа чидамли.

3. Полимер панелларнинг ўрнатилиши қулай ва осон

4. Узунлиги: 2000, 3000, 4000, 6000 мм

5. Эни: 180 мм

6. Қалинлиги: 5,0 мм

7. Полимер кум маҳсулотларининг совуққа чидамлилиги 500 циклга тенг

8. Полимер маҳсулотларининг эгилювчанлиги 25-35 МПа.

9. Полимер кум маҳсулотларининг ўртача зичлиги 1650-1800 кг/м³.

1.3 Муқобил қурилиш материалларидан афзалликлари

Замонавий қурилишда полимер плиткалар унинг бошқа турдаги плиталардан афзалликлари туфайли кенг фойдаланилиб келинмоқда.


Барча қурилиш материалларида бўлгани каби полимер плиталари ҳам бир қатор афзалликларга эга.

АФЗАЛЛИКЛАРИ

Ажойиб ҳимоя воситаси. Бино деворларини йилнинг турли мавсумидаги об-ҳаво ўзгаришидан (қор, дўл, шамол, ёмғир, қуёш) ҳимоя қилиш мумкин, плиткалар ҳарорат ўзгаришига ва ултрабинафша нурлар таъсирига чидамли;

Арзон ва енгил. Иқтисодий жihatдан полимер плиткалар табиий тошдан фойдалангандан кўра анча арзон ва бир неча ўн йиллар давомида ўз хусусиятларини сақлаб қолиши билан ажралиб туради, шунингдек полимер плиткалар (панеллар) енгиллигига қарамай чидамли ва эластик хусусиятга эга.

Қайта ишлаш ва иссиқликни сақлаш имконияти. Полимер маҳсулотларини осонликча қайта ишлаш мумкин, полимерларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги металлларга қараганда анча паст, бу айниқса иссиқлик билан таъминлаш пайтида иссиқлик йўқотилишини камайтиради.



1.4 Ишлаб чиқариш ҳолати рақамларда



2016 йилда умумий қиймати 102,7 млрд сўмлик 10,2 минг тонна полимер ва пластмассадан плита ва листлар ишлаб чиқарилган бўлса, ушбу рақамлар 2021 йилда 350,0 млрд сўмлик 17,0 минг тонна, 2026 йилда 824,0 млрд сўмлик 40,0 минг тоннани ташкил этиши режалаштирилмоқда.


Умумий олганда, 2021 йилда республикада барча турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кўрсаткичи 24,2 трлн сўмни, 2026 йилда эса 41,5 трлн сўмни таш-

кил этиши режалаштирилган. Экспорт эса 2021 йилда 270 млн АҚШ доллари, 2026 йилга келиб эса 505 млн АҚШ долларига етказилиши прогноз қилинмоқда.


Шу билан бирга, соҳага жалб этилаётган инвестициялар миқдори 2021 йилда 1 610,0 млн АҚШ доллари, 2026 йилда 2 250,0 млн АҚШ долларини, маҳаллийлаштириш кўрсаткичлари эса 2021 йилда 905,1 млрд сўмни, 2026 йилга келиб эса 1 550,0 млрд сўмни ташкил этиши кутилмоқда.



II. ХОМ АШЁ ТУРЛАРИ
ВА МАВЖУД ЗАҲИРАЛАР



2.1 Полимер плиткалар ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хом ашё турлари



Полимерли плиткаларни ишлаб чиқаришда унинг таркибини ўрганиб чиқишимиз керак бўлади. Полимер плиткалар ишлаб чиқариш учун ПБП (паст босимли полиэтилен) полимерлари, ЮБП (юқори босимли полиэтилен), майдаланган плёнка ишлатилади. Полимер плиткаларини ишлаб чиқариш учун эса учта компонент талаб қилинади полимерлар (бирламчи ёки иккиламчи), гил қўшимчаларсиз

бир хил майда кварц кумлари, иссиқликка бардошли пигмент.

Полимер плиткаларини ишлаб чиқаришнинг иккинчи босқичи таркибий қисмларни аралаштириш жараёнида 69% кум, 30% полимер ва **1% пигмент нисбатида тайёрлашни ўз ичига олади.**

Кварц қуми - табиий юмалоқ кумни қазиб олиш ва таснифлаш ёки кремний ўз ичига олган жинсларни майдалаш ва



саралаш натижасида олинган материал.

Кварц кумлари, аралашмалар таркибига ва келиб чиқишига қараб ранг, кимёвий таркиби, заррача шакли билан фарқ қилади. Кумларнинг бу хусусиятлари, шунингдек уни қазиб олиш усули, кварц қуми нарҳини ва ундан фойдаланиш кўламини белгилайди

Иссиқликка бардошли пигмент - бу минерал бўёқлар бўлиб, улар одатда керакли оксидга бўялган металл оксидлари кўринишида таъминланади. Минерал пигментлардан фойдаланиш доираси жуда катта - курилишда, бўёқ ва лак ишлаб чиқаришда, шунингдек бадий бўёқлар ишлаб чиқаришда, декоратив ва пардозлаш ишларида. Пигментлар материалларни коррозиядан сақлайдиган плёнкаларнинг хоссаларини яхшилайди. Органик пигментлар

— кимёвий тузилиши турлича бўлган синтетик бўёқ моддалардир. Булар яшил, сариқ рангдан тўқ қизил ранггача бўлади. Сариқ рангдан яшил ранггача бўлган оловбардош пигментларнинг ҳам аҳамияти катта, чунки плиткаларнинг оловбардошлиги муҳим омилларидан биридир.

Полимерлар – эластиклик хусусиятига эга бўлган композиция бўлиб улардан кўпгина курилиш материаллари тайёрлашда фойдаланилади. Полимер материал бир қанча комбинацияларга киритилиши мумкин (полимер матрица, ранг берувчи моддалар, ўзаро боғловчи моддалар, тузувчи моддалар, мойлаш материаллари, оловни ушлаб турувчи моддалар, микробларга қарши воситалар ва бошқа компонентлар).

Биринчи босқичда полимерлар эзилади. Қайта ишланган



полимерлардан фойдаланиш хом ашё сотиб олишда тежашга ва чиқиндиларни йўқ қилиш муаммосини ҳал қилишга ёрдам беради. Иккиламчи полимерлар саноат чиқиндиларини ва полимер маҳсулотларини (кувурлар,

идишлар, қадоқлаш материаллари, плёнкалар ва бошқаларни) майдалаш ва грануляция қилиш натижасида олинади. Полимер плиткалар ишлаб чиқаришда ҳам минерал, ҳам органик пигментлардан фойдаланиш мумкин.

2.2 Республика худудларида мавжуд хом ашё заҳиралари



2018 йилда республикага Хитой ва Туркиядан керамика, эмал, шиша ва бошқа махсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланилган 18,8 минг тонна тайёр пигментлар импорт қилинган. Пигмент хом ашёсининг заҳиралари ва ресурслари республикада жуда муҳимдир, бу маҳаллий хом ашёдан пигментларни (чўкинди темир таркиби-

даги глауконит) олиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга имкон беради.

Ўзбекистонда глауконит (полимер олинадиган тоғ жинси) Ҳисор тоғ тизимидаги қумли – гилли конларда, Зиёвуддин-Зирабулоқ тоғларида, Қизилқумда, шунингдек Шимолий Фарғона ва Тошкент вилояти геологик минтақасида ривожланган.

Кварц қуми заҳиралари

Вилоят номи	Конлар сони, дона	Заҳираси, минг.тонна
Қорақалпоғистон Республикаси	1	59
Жиззах	1	145,7
Қашқадарё	1	2021
Навоий	2	33576,7
Тошкент	3	19552,9
Жами:	8	55355,3

Пигмент олиш учун глауконит

Вилоят номи	Конлар сони, дона	Заҳираси, минг.тонна
Қорақалпоғистон Республикаси	2	10
Сурхондарё	1	15
Қашқадарё	1	3
Наманган	1	1.5
Жами:	5	29.5

III. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ



Композит полимер материаллардан маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси:

1. Полимер композит материалларини пресслаш материалнинг пластик деформациясидан иборат бўлиб, унга иссиқлик ва босим таъсирида ҳамда маҳсулот шаклини кейинчалик маҳкамлашда таъсир қилади. Колиплар прессларга ўрнатилади, уларнинг мақсади зарур босимини ва шаклни яратишдир.

2. Босим остида полимер эритмасини қуйиш ва кейинчалик совутиш билан пластикларни қайта ишлашнинг технологик жараёни.

3. Экструзия жараёни - бу полимер материаллардан (резина аралашмалар, пластмасалар, крахмалли ва таркибидаги оксилли аралашмалар) маҳсулотни экструдердаги ҳосил қилувчи тешик орқали эритишга мажбур қилиш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш усули ва жараёни.

Шунингдек, полимер композит материаллар тайёрлашнинг ўзига хос усуллари ва уларнинг фарқли томонлари мавжуд. Полимер плиталарини ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни пластикларни майда заррачаларга айлантириш билан бошланади ҳамда ушбу жараёнда майдалаш ускунасидан фойдаланилади. Ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган кум қуруқ бўлиши керак. Кварц кумини қуритиш учун ихтисослашган ускуналар қўлланилади. Полимерлар керакли ҳажмда эзилиб, кум яхшилаб қуритилган бўлса, ушбу компонентларнинг барчаси аралаштирилади. Бунинг учун экструзия машинаси мос келади. Ушбу усқунанинг ичида ҳарорат таъсирида барча компонентлар аралашади ва эрийди. Ушбу аралашмадан тўп ҳосил бўлади. Кейин тўп совутиш учун сувга ботирилади, кейин уни сувдан чиқариб, хона ҳароратида совушига рух-

сат берилади. Ушбу процедура барча компонентлар бир-бири билан реакцияга киришиши ва яхши ушланиб қолиши учун махсус амалга оширилади. Тўплар совутилгандан сўнг, улар усқунага қайтариледи ва ҳосил бўлган масса полимер ҳамда кум плиткаларига айланишга тайёр ҳисобланади.

Сўнгра эзилган тўплар қайта иситилади ва аралаштирилади. Аралашма усқунадан 180 °C даража ҳарорат билан чиқади.

Ушбу усқунадан чиққан ҳар бир тўп оғирлиги стандартларда кўрсатилган меъёрлардан ошмаслиги, бу жараён оператор томонидан назорат қилиниши керак.

Ушбу тайёр аралашма прессостига юборилади ва натижада полимер плиткалар ҳосил бўлади. Колиплар ёрдамида плиткаларга шакл берилади. Колипларнинг юқори қисмида иситиш ҳарорати 80 °C га, пастки қисмида эса тахминан 45 °C га етиши мумкин.





**Полимер плитка ишлаб
чиқариш технологик
линиялари нархлари**

1. Хитой Халқ Республика-
сининг Shuangjun Extrusion
Machinery Co., Ltd. компанияси
томонидан ишлаб чиқарилган
соатига 400 кг полимер плитка
ишлаб чиқариш имкониятига
эга полимер асосли плиткалар
ишлаб чиқарувчи технологик
линиясининг дастлабки нархи -
150 000 АҚШ доллари.

2. Хитой Халқ Республи-
касининг Qingdao Jiabeide
Machinery Co., Ltd. компанияси
томонидан ишлаб чиқарилган
соатига 500 кг полимер плит-
ка ишлаб чиқариш имкониятига
эга полимер асосли плиткалар
ишлаб чиқарувчи технологик ли-
ниясининг дастлабки нархи - 178
000 АҚШ доллари.


Ушбу технологиялар ишга ту-
ширилиши натижасида 12-15 та
янги иш ўрни яратилиши мумкин.



IV. СИФАТ, МЕЪЕРИЙ ҲУЖЖАТЛАР
ВА ЎЛЧОВ ВОСИТАЛАРИ



4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари



Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тўғрисида"ги Қонунига асосан барча маҳсулот ва хизматлар тегишли тартибда стандартлар асосида ишлаб чиқарилиши қатъий белгилаб қўйилган.

Шунинг учун полимер плиткालари белгиланган стандарт талаблари доирасида ишлаб чиқарилиши зарур. Ушбу стандартларни Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги

хузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Стандартлар институтидан сотиб олиш мумкин.


Норматив ҳужжатларда полимер плиткालари ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, хом ашёни танлаш, таркибида саноат чиқиндиларидан фойдаланиш тартиби, маҳсулотни ташиш даврий сифат кўрсаткичларини текшириб бориш каби талаб ва тавсиялар келтирилади.

4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари



Демак полимер плиткаларни ишлаб чиқариш ва у билан боғлиқ жараёнларни амалга ошириш учун зарур стандартлар

Стандарт рақами	Стандарт номи
ГОСТ 25621-83	Материаллар ва маҳсулотлар полимер конструкцияси, жипслашиш ва жипслаштириш. Таснифи ва умумий техник талаблар.
ГОСТ 25945-98.	Қаттиқлашмайдиган полимер қурилиш материаллари ва буюмлари.
ГОСТ 11583-74.	Полимер асосли қурилиш материаллари.
ГОСТ 9.719-94.	Коррозия ва эскиришдан ҳимоя қилишнинг ягона тизими. Полимер материаллар.
ГОСТ 17241-71	Полимердан полни қоплаш учун материаллар. Классификация
ГОСТ 11529-86	Пол учун поливинилхлоридли материаллар. Синов усуллари.



Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги ПҚ-4335-сонли қарорининг 6-илоvasи “2021 йилнинг 31 декабрига қадар давлат томо-

нидан қўллаб-қувватлаш орқали қабул қилинадиган қурилиш материаллари соҳасидаги халқаро стандартлар рўйхати”га мувофиқ 2019 йилда 340 та, 2020 йилда 542 та халқаро стандартлар қабул қилинди, 2021 йилда яна 505 та халқаро стандарт қабул қилиш режалаштирилган.

4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш


Жараён оддий ва унда инсон омили иштироки камайтирилган. Полимер плиткалари учун мувофиқлик сертификатини ма-софадан туриб олиш мумкин. Бунда Сиз **singlewindow.uz** электрон платформасига кирасиз, **ариза тақдим этиш** тугмачасини босган ҳолда ўз маълумотларингизни киритасиз.

Аризангиз кўриб чиқилади ҳамда **3 иш куни** ичида тегишли мутахассислар келиб Сиз ишлаб чиқараётган полимер плиткала-

ридан намуналар олади. Махсулотни тегишли тартибда лабора-тория синовларида текширади, стандарт талабларга жавоб берган тақдирда Сизга мувофиқлик сертификати берилади.



4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги



Полимер плиткалари ишлаб чиқаришда турли хил ўлчов воситаларидан, хусусан узунлик ўлчов инструменти, чегаравий ясси узунлик ўлчовлари, штангенциркул каби ўлчов воситаларидан фойдаланилади.


Ушбу ўлчов воситалари полимер плиткаларининг сифати, стандарт талабларда белгиланган геометрик ўлчамлардан, оғирликлардан четга чиқмаганлиги каби муҳим факторларни доимий

назорат қилиш учун зарур ҳисобланади.

Ушбу ўлчов воситалари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2019 йил 30 июлдаги «Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» ги **3174-сон буйруғига** асосан **Миллий метрология институти томонидан қиёслов кўригидан ўтказилади.**

Полимер плитка материалларини ишлаб чиқариш учун тайёр маҳсулот таннархига таъсир этувчи асосий омиллардан бири бу полимернинг нархи ҳисобланади. Чунки полимер асосий хом ашё ҳисобланиб, нархлари биржа савдолари натижаларига кўра ўсиб ёки камайиб борувчи ҳисобланади.

Жумладан ойига тахминан 14 000 м² полимер плитка ишлаб чиқариш учун 153 тонна полимер талаб этилади. Ҳозирги кунда 1 кг полимер (ПВХ)нинг бозор нархи 9 700 сўм эканлигини ҳисобга олсак, 153 тонна полимернинг нархи 153 000х9 700= 1,45 млрд сўм сарфланади.



Хом ашё тури	1м ² га материал сарфи, кг	Нархи, сўм/кг	Шу жумладан 1м ² учун сарф этилган хом ашё, сўм	14190 м ² полимер плиткалари учун ойлик харажатлар, минг сўм
Кварц қуми	16.146	400.0	6 458.4	91 644,6
Полимер	7.02	9 700	68 094	966 253,8
Пигмент	0.234	15 000	3 510	49 806,9
Электр-энергия	1,94 кВт/м ³	450.0	873.0	12 387,8
Жами:			78 935,4 сўм/м ³	1 107 717, 8 сўм/йил
Транспорт харажатлари: (жами харажатларнинг 3,0%)			2 368,0	33 231,5
Хом ашёларни сақлаш харажатлари: (жами харажатларнинг 1,0%)			789,4	11 077,1
Жами (транспорт ва сақлаш харажатлари кўшиб ҳисоблаганда) харажатлар:			3 157,4	44 308,7
Ишлаб чиқарувчининг фойдаси: (жами харажатларнинг 30,0%)			23 680,6	332 315,3
Умумий:				332 315,3

Юқоридаги ҳосиб китоблар куйидаги ўлчамдаги полимер плитка учун олинган :


Плитка ўлчами - 330х330х17 мм;

1 м² майдон учун 9 дона полимер плитка ишлатилади.


Плитка оғирлиги – 2.6 кг;

1 м² нинг оғирлиги – 23.4 кг.

VI. ЭКОЛОГИК МЕЪЁРЛАР ВА
АТРОФ МУҲИТГА ТАЪСИРИ



6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар



Экология – тирик жонзотларнинг яшаш шароити ва уларнинг ўзлари яшаб турган муҳит билан ўзаро мураккаб муносабатлари ва шу асосда туғилган қонуниятларни ўрганати, инсоннинг табиат билан ўзаро таъсирини энг мақбул тарзда ишлаб чиқаради. Экологик назорат атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизимидир.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги 9 декабрдаги «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ҳамда 1996 йил 27 декабрдаги «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» Қонунлари табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан

оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини қамолатлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги "2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5863-сонли фармонида биноан:

- экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллардан, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш;

- иқтисодиётни экологи-

ялаштириш, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизmlарини жорий қилиш, экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллар, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш;

- янгидан фойдаланишга топшириладиган ишлаб чиқариш кувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантурувчи стационар манбаларида самарадорлиги **99,5 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тўтиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш;

- амалдаги ишлаб чиқариш кувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантурувчи стационар манбаларида самарадорлиги **95 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тўтиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш каби топшириқларидан келиб чиқиб қурилиш материаллари саноатидаги мавжуд ишлаб чиқариш

корхоналари ва янгидан ташкил этиладиган корхоналарга ушбу талаблар белгиланган.

Инсоният ҳаёти уни ўраб турган табиий муҳит билан узвий боғлиқ бўлиб, буни тасдиқлайдиган манбаалар ҳар қадамда учраб туради. Жаҳон кўламида жадал суръатлар билан кечаётган фан-техника инқилоби одамларнинг меҳнат шароити, турмуш даражаси яхшиланишига ижобий таъсир этиш билан бирга у туғдирган экологик ўзгаришлар, ўз навбатида, инсониятга, уни ўз бағрида сақлаётган она табиатга асоратли таъсир кўрсатмоқда. Бизни ўраб турган табиатни чиндан ҳам она десак бўлади. Чунки у бутун борлиқни ҳаётбахш нафаси билан таъминлаб туради, тўйдиради, кийинтиради. Ана шундай марҳаматли табиатнинг озор топиши у билан бевосита одамзод ва жониворларни таҳликага солиб қўйиши мумкин. Азот оксидларининг чиқариб ташланиши криоген

техникада ва уй шароитида хлор-фтор-карбонатларнинг кенг кўламда қўлланилиши Ернинг озон қаватини сақлаш муаммосини кескинлаштириб юборади.

Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, шунингдек табиатга антропоген (инсоннинг бевосита қатнашиши) таъсир этишнинг тобора кучайиши натижасида табиий омилларнинг ўзаро боғланиши маълум даражада мувозанатдан чиқмоқда, бу эса ер юзидида ҳаётнинг жараён ривожидагидек кечишига хавф солмоқда. Шу боисдан табиий муҳитни асраш муаммолари кўп жиҳатдан экологик тадқиқотлар билан боғланади.

Табиий бойликлардан оқилана фойдаланишдан табиатда рўй берадиган жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги билимлар катта аҳамиятга эга. Бусиз табиий жараёнларга баҳо бериш, уларни ҳисобга олиш, табиатга, табиат компонент-

ларига кўрсатилган ҳар қандай таъсирнинг келажақда қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан билиш мумкин эмас. Инсон табиатдан фойдаланганда ва унга таъсир кўрсатаётганда билиши ва фаолиятида амал қилиш зарур бўлган, асосан, **5 қонуният** мавжуд:

1) Табиатдаги барча компонент ва элементлар ўзаро бир-бирлари билан боғланган, ўзаро таъсир этиб, муайян мувозанатда бўлиб, уйғунлик ҳосил қилган. Бирон компонент ёки элемент ўзгарса, бутун табиий комплексда ўзгариш рўй беради;

2) Табиатда тўхтовсиз модда ва энергиянинг айланма ҳаракати рўй бериб туради. Бу ҳаёт асоси;

3) Табиий жараёнларнинг ривожланишида муайян даврийликлар мавжуд (суткалик, йиллик, 12 йиллик, 33—35 йиллик ва кўп йиллик);

4) зоналик;

5) регионаллик.

6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш



Экологик назорат объектлари куйидагилардан иборат:

ер, ер ости бойликлари, сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи табиий ва техноген манбалар атроф муҳит ифлосланишига ва табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

Экологик назоратнинг турлари:

давлат экологик назорати;
идоравий экологик назорат;
ишлаб чиқариш экологик назорати;

жамоатчилик экологик назорати.

Ҳар қандай янги лойиҳа бўйича ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этилишида **экология йўналиши бўйича 5 та**

норматив-ҳужжат ишлаб чиқиши мажбурий тарзда қонунчилигимиз билан мустаҳкамланиб қўйилган. Булар:

АМТА – атроф муҳитга таъсири аризаси ҳақидаги ҳужжат;

ЭОА – экологик оқибатлар аризаси ҳақидаги ҳужжат;

ПДВ – атмосфера қатламига чиқариладиган ташламалар ҳақидаги норматив;

ПДС – ер қатламига чиқариладиган зарарли чиқинди оқавалар ҳақидаги норматив. Агар чиқинди сувлар канализация тармоғига уланса **КЭН** нормативи ишлаб чиқарилади;

ПДО – ишлаб чиқариш корхонасининг фаолияти давомида ажраладиган саноат ва маиший чиқиндиларнинг ҳудудга ва атрофга жойлаштирилиши ҳақидаги норматив. Агар чиқиндилар экологик сертификатланган бўлса компенсацион тўловларга тортилмайди.

VII. МЕҲНАТНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ



7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари



Ўзбекистон Республикасида хавфсиз ва қулай меҳнат шароитида ишлаш юзасидан фуқароларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (37-модда) мустақамланиб қўйилган. Ушбу конституциявий кафолатни амалда рўёбга чиқарилишига қаратилган аниқ чора тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида, бошқа бир қатор қонунлар ва қонун ости норматив ҳужжатларида белгиланган.

Меҳнат муҳофазаси - инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятининг сақланишига қаратилган тадбирлар. Қонун ҳужжатларида меҳнат жараёнида қўлланиладиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техник, санитария-гигиена, даволаш-профилактика чора тадбирлари белгилаб қўйилади. Меҳнат қилувчи шахс хавф-

сизлиги, саломатлиги, меҳнат қилиш қобилиятини ҳимоялаш, соғлом меҳнат шароитлари яратиш, касб касалликлари юз бериш хавфини олдини олиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишларга йўл қўймаслик кабилар меҳнат муҳофазаси олдидаги вазифалар ҳисобланади.

Меҳнат муҳофазасига оид талаблар ва стандартлар Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари асосида ишлаб чиқариладиган корхона ва ташкилотларнинг ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа шартномалари, тармоқ ёки минтақавий жамоа келишувлари, корхоналарнинг бошқа ички норматив ҳуқуқий ҳужжатларида, муайян соҳа, касб, иш жойларига оид бўлган Меҳнат муҳофазаси стандартларида белгилаб қўйилади. Мулкчилик шакли ва ҳўжалик юритиш усулидан қатъий назар барча корхона, муассаса, таш-

килотлар ўз ходимлари учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шaroитини яратиши, хавфсизлик техникаси чораларини кўриши, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этиши, бошқа ташкилий техник тадбирларни амалга ошириши шарт.

Меҳнатни муҳофаза қилиш — бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин чиқишдан сақланиш ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериш ҳамда ходимларнинг меҳнат-

ни муҳофаза қилишнинг ҳамма талабларига риоя этишларини доимий равишда текшириб бориш вазифаси иш берувчи зиммасига юклатилади.

Меҳнат муҳофазасида қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

жамоавий ҳимоя воситалари — тузилиши ёки вазифаси жиҳатидан ишлаб чиқариш биноси ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган, ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган техник воситалар ва бошқа воситалар;

зарарли ишлаб чиқариш омили — таъсири ходимнинг касб касаллигига чалинишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

иш ўрни — меҳнат фаолияти жараёнида ходимнинг доимий

ёки вақтинчалик бўлиш жойи;

ишлаб чиқариш фаолияти — маҳсулот ишлаб чиқариш, хом ашёни қайта ишлаш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш чоғида амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса — ходимнинг иш берувчининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда, шу жумладан иш берувчи томонидан берилган транспортда иш жойига келган вақтда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруратига, у касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

касб касаллиги — ходимнинг унга зарарли ишлаб чиқариш омили ёки хавфли ишлаб

чиқариш омили таъсири натижасида юзага келган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллиги;

меҳнат шароитлари — меҳнатни амалга ошириш чоғидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омили йиғиндиси;

меҳнатни муҳофаза қилиш — меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақланишини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизими;

меҳнатда майиб бўлиш — ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотиши;

ноқулай ишлаб чиқариш

омиллари — зарарли ишлаб чиқариш омилининг ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилининг мавжудлиги;

хавфли ишлаб чиқариш омили — таъсири ходимнинг шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

шахсий ҳимоя воситала-

ри — ходимга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимояла- ниш учун фойдаланиладиган техник воситалар ва бошқа воситалар.



VIII. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ ОРҚАЛИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги 312-сонли “Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан мамлакатимизда 2014 йилнинг 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этилди.

Унга қўра, электрон рўйхатдан ўтказиш таъсис ҳужжатларини масофадан туриб ва интерактив расмийлаштириш йўли билан намунавий шакллар асосида тайёрлаш имконияти бўлган Ўзбекистон Республикаси интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали амалга оширилади. Электрон рўйхатдан ўтказишда зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш учун ариза бериш, шунингдек рўйхатдан ўтказилган

таъсис ҳужжатларини ва тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги ПҚ-2646-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш” тартиби тўғрисидаги Низом асосида амалга оширилади.

IX. ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ



Бугунги кунда банклар томонидан тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган бўлиб, молиялаштириш дастурлари доирасида банклар томонидан турли хилдаги кредитлар таклиф этилмоқда.

Кредитларининг турлари бизнесни ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган исталган масалаларни ҳал қилишга имкон беради.

Кредит такдим этиш тўғрисидаги қарор қабул қилишда банк миждознинг ҳақиқий ҳолати тўғрисидаги маълумотларга асосланади. Бунда эътибор расмий кўрсаткичларга эмас, балки молиялаштириш назарда тутилган бизнеснинг ривожла-

ниш истиқболларига қаратилади.

КРЕДИТ ОЛИШ УЧУН КЕРАКЛИ ҲУЖЖАТЛАР:

- кредит олиш учун ариза (кредит муддати, фоизи, максималди кўрсатилган ҳолда);

- бизнес-режа (маҳсулот турлари, ишлаб чиқариш технологиялари, сотиб олинган ёки ижарага олинган асбоб ускуналар рўйхати, хом ашё заҳиралари, маҳсулотга бўлган талаб, ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсатилади);

- корхона ташкил қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (гувоҳнома, Устав);

- таъминот ҳужжатлари (гаровга қўйилган кўчма ва кўчмас мулк, кафиллик).

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Пластик масса ишлаб чиқариш. В.В. Коршака. М.: Химия, 1985.
2. А. Б. Зезин, Полмерлар ва атроф мухит.1996.
3. Шефтель В.О. Полимер материаллар. Химия. 1982.
4. Шефтель В.О. Полимер материаллар. Қўлланма.Химия. 1982.
5. У.Н. Мусаев, Т.М. Бобоев, А. Курбонов Полимерлар кимёсидан практикум. Тошкент. "Университет". 2001.
6. Мусаев У.Н., Бабаев Т.М., Ҳакимжонов Б.Ш. Полимерларнинг физик- кимёси. Тошкент. "Университет". 1994.
7. М.А. Ходжаева, А.А. Алимов "Газ конденсати асосидаги олигомер аралашмалар". Ташкент. 1995.
8. Исмоилов И.И., Рафиқов А.С. Полимерланишни донор-акцептор механизми. Тошкент. ТКТИ. 2000.
9. Сатторов З.М. Экология. – Т.:Sano-standart, 2018. – 362 б.
10. Сатторов З.М. Қурилиш экологияси. – Т.:Sano-standart, 2017. – 364 б.
11. www.lex.uz.



"ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК" АТБ

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри.
Шаҳрисабз кўчаси 3-уй.

Мўлжал: "Ўзбекистон почтаси",
"Ucell" бош офиси.

Алоқа учун: + 998 (78) 120-35-94

E-mail: info@uzpsb.uz

Сайт: sqb.uz

"ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛИТИ" МЧЖ ИЛМИЙ- ТАДҚИҚОТ ВА ИНЖИНИРИНГ МАРКАЗИ.

Манзил: Тошкент шаҳри, Тафаккур кўчаси,
68-А уй.

Мўлжал: Дўстлик боғи,
"Ичан қалъа" меҳмонхонаси

Алоқа учун: (71) 254-92-01

E-mail: info@uzqmliti.uz


Сайт: uzqmliti.uz



Полимер асосидаги плиткалар ишлаб
чиқариш бўйича амалий услубий қўлланма

Компьютерда тайёрловчилар:
Эрматов Ф., Алимжонов С.

Дизайнер:
Эрматов Ф.



 (71) 200 43 43

 @sqbuz

 @sqbuz

 www.sqb.uz

 @joydauz

 @joydauz